

**МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА БУТУНЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
МУЛК ТАШКИЛОТИНИНГ ШАРТНОМАСИ
ва МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА БУТУНЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
МУЛК ТАШКИЛОТИНИНГ ШАРТНОМАСИГА НИСБАТАН КЕЛИШИЛГАН
БАЁНОТ**

1996 йил 20 декабрдаги Дипломатик конференцияда қабул қилинган

Мазмуни

Преамбула

- 1-модда: Берн конвенциясига алоқадорлиги
- 2-модда: Муаллифлик-ҳуқуқий ҳимоя соҳаси
- 3-модда: Берн конвенциясининг 2-6 моддаларини қўллаш
- 4-модда: Компьютер дастурлари
- 5-модда: Маълумотлар компиляцияси (маълумотлар базалари)
- 6-модда: Тарқатиш ҳуқуқи
- 7-модда: Ижарага бериш ҳуқуқи
- 8-модда: Оммага билдириш учун хабардор қилиш ҳуқуқи
- 9-модда: Фотография асарларини ҳимоялаш давомийлиги
- 10-модда: Чеклашлар ва истиснолар
- 11-модда: Техник чораларга нисбатан мажбуриятлар
- 12-модда: Ҳуқуқларни бошқариш тўғрисидаги маълумотларга нисбатан мажбуриятлар
- 13-модда: Вақт бўйича қўллаш
- 14-модда: Ҳуқуқларни таъминлаш бўйича қоидалар
- 15-модда: Ассамблея
- 16-модда: Халқаро бюро
- 17-модда: Шартномада қатнашиш ҳуқуқи
- 18-модда: Шартнома бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятлар
- 19-модда: Шартномани имзолаш
- 20-модда: Шартноманинг кучга кириши
- 21-модда: Шартномада иштирок этиш бошланиши санаси
- 22-модда: Шартномага қўшимча шартларнинг йўл қўйилмаслиги
- 23-модда: Шартномани денонсация қилиш
- 24-модда: Шартнома тиллари
- 25-модда: Депозитарий

Преамбула

Аҳдлашувчи Томонлар,

Муаллифларнинг адабий ва бадиий асарларига ҳуқуқларини ҳимоялашни самарали ва бир хил такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш истагида,

Иқтисодий, ижтимоий, маданий ва техник ривожланиш муносабати билан вужудга келаётган масалаларни мос равишда ечишни таъминлаш мақсадида янги халқаро қоидаларни киритиш ва мавжуд айрим қоидаларни аниқроқ изоҳлаш заруратини тан олиб,

Адабий ва бадиий асарлар яратилиши ва фойдаланишига ахборот ва коммуникация технологиялари ривожланиши ва яқинлашиши чуқур тан олиниб, адабий ва бадиий ижод учун рағбат сифатида муаллифлик-ҳуқуқий ҳимоянинг катта аҳамиятини таъкидлаб, Муаллифлар ҳуқуқи ва омма манфаати, хусусан, Берн конвенциясида акс эттирилгандек, таълим, илмий тадқиқотлар, маълумотларга эга бўлишлик, мувозанатини сақлаш зарурлигини тан олиб,

Қуйидагилар тўғрисида келишилди:

1-модда.

Берн конвенциясига алоқадорлиги

(1) Мазкур Шартнома Адабий ва бадиий асарларни ҳимоялаш тўғрисидаги Берн конвенцияси билан таъсис қилинган Иттифоқ мамлакатлари бўлмиш аҳдлашаётган томонларга нисбатан ушбу конвенциянинг 20-моддаси маъносида махсус шартномадир. Ушбу Шартнома бошқа шартномалар билан боғлиқ эмас, Берн конвенциясидан ташқари, ва бошқа ҳар қандай шартномалар бўйича ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятларни чеклаб қўймайди.

(2) Ушбу Шартномадаги ҳеч нарса Аҳдлашувчи Томонларнинг Адабий ва бадиий асарларни ҳимоялаш тўғрисидаги Берн конвенцияси бўйича бир бирига нисбатан эга мавжуд мажбуриятларни камайтирмайди.

(3) Кейинчалик “Берн конвенцияси” деб 1971 йил 24 июлдаги Адабий ва бадиий асарларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Берн конвенциясининг Париж акти тушунилади.

(4) Аҳдлашувчи Томонлар Берн конвенциясининг 1-21-моддаларига ва қўшимча бўлимига риоя қиладилар.

2-модда

Муаллифлик-ҳуқуқий ҳимоя соҳаси

Муаллифлик-ҳуқуқий ҳимоя ғоялар, жараёнлар, ишлаш усуллари ёки математик концепцияларга эмас балки ифодалаш шаклига тааллуқлидир.

3-модда

Берн конвенциясининг 2-6 моддаларини қўллаш

Аҳдлашувчи Томонлар тегишли ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда ушбу Шартномада кўзда тутилган ҳимояга нисбатан Берн конвенциясининг 2-6 моддалари қоидаларини қўллайдилар.

4-модда

Компьютер дастурлари

Компьютер дастурлари Берн конвенциясининг 2-моддаси маъносида адабий асарлари сифатида ҳимоя қилинади. Бундай ҳимоя компьютер дастурларига уларни ифодалаш усули ёки шаклидан қатъий назар тааллуқлидир.

5-модда

Маълумотлар компиляцияси (маълумотлар базалари)

Жамланиши ва жойлашиши бўйича интеллектуал ижод натижаси кўринишидаги ҳар қандай шаклдаги маълумотлар ёки бошқа ахборот компиляцияси маълумотлар компиляцияси (маълумотлар базалари) сифатида ҳимояланади. Бундай ҳимоя маълумотлар ёки ахборотларнинг ўзига тааллуқли эмас, ва компиляция таркибидаги маълумотлар ёки ахборотларга тегишли муаллифлик ҳуқуқига дахлдор эмас.

6-модда

Тарқатиш ҳуқуқи

(1) Адабий ва бадиий асарлар муаллифлари ўз асарларининг асли ва нусхаларини кенг оммага сотиш ёки мулкчилик ҳуқуқини бошқа йўл билан ўтказишга рухсат беришнинг мутлақ ҳуқуқидан фойдаланадилар.

(2) ушбу Шартномадаги ҳеч бир нарса Аҳдлашувчи томонларни (1) бандда айтиб ўтилган ҳуқуқларнинг тугаши биринчи сотувдан ёки муаллиф рухсати билан асарнинг асл нусхаси ёки экземплярига бўлган мулкчилик ҳуқуқини бошқа йўл билан беришдан сўнг қўлланилишини аниқлаш ёки аниқламаслик шартига эркинлигига таъсир кўрсатмайди.

7-модда

Ижарага бериш ҳуқуқи

(1) Куйидагиларнинг муаллифлари

(i) компьютер дастурлари

(ii) кинематография асарлари; ва

(iii) Аҳдлашувчи томонларнинг миллий қонунчилигида аниқланганидек фонограммаларда мужассамланган асарлар, ўз асарларининг оригиналлари ёки экземплярларини омма учун тижорат ижарасига рухсат бериш бўйича мутлақ ҳуқуқдан фойдаланадилар.

(2) (1)-банд куйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

(i) компьютер дастурлари, агар дастур ижаранинг асосий объекти бўлмаса; ва

(ii) кинематография асарлари, агар бундай тижорат ижараси такрорлашга бўлган мутлақ ҳуқуқларга сезиларли зарар келтирадиган ушбу асарлардан кенг нусха кўчиришга олиб келмаса.

(3) фонограммаларда мужассамланган асарлар нусхаларини ижрага бериш учун муаллифларни адолатли мукофотлаш тизими 1994 йилнинг 15 апрелигача амал қилган ва ҳозирда амалда бўлган Аҳдлашувчи томон бундай тизимни агар фонограммаларда мужассамланган асарларнинг тижорат ижараси такрорлашга бўлган мутлақ ҳуқуқларга сезиларли зарар келтирмаса, 1)-банд қоидаларига қарамасдан, ушбу тизимни сақлаб қолиши мумкин.

8-модда

Оммага билдириш учун хабардор қилиш ҳуқуқи

Берн конвенциясининг 11(1)(ii), 11 *bis*(1)(i) ва (ii), 11 *ter*(1)(ii), 14(1)(ii) ва 14 *bis* (1) моддаларнинг қоидаларига зид бўлмаган ҳолда адабий ва бадиий асарлар муаллифлари ўз асарларини симлар ёки симсиз алоқа воситалари бўйича оммани билдириш учун хабардор қилиш учун ҳар қандай хабар қилишга рухсат беришнинг мутлақ ҳуқуқларидан фойдаланади, шу ҳисобда ўз асарларини омма шундай хабардор қилиш-ки, бунда, омма вакиллари ўз танлови бўйича исталган жойда ва исталган вақтда бундай асарлардан фойдаланишлари мумкин.

9-модда

Фотография асарларини ҳимоялаш давомийлиги

Фотография асарларига нисбатан Аҳдлашувчи Томонлар Берн конвенциясининг 7(4)-модда меъёрларини қўлламайдилар.

10-модда

Чеклашлар ва истиснолар

(1) Асардан меъёрда фойдаланишга зарар етказмайдиган ва муаллифларнинг қонуний манфаатларини асосиз чекламайдиган аниқ алоҳида ҳолларда Аҳдлашувчи Томонлар ушбу Шартнома бўйича адабий ва бадиий асарлар муаллифларига берилаётган ҳуқуқларни чеклашлари ёки истисно қилишни ўз миллий қонунчилигида кўзда тутиши мумкин.

(2) Берн конвенцияси қўлланишида Аҳдлашувчи томонлар асардан меъёрда фойдаланишга зарар етказмайдиган ва муаллифларнинг қонуний манфаатларини асосиз чекламайдиган аниқ алоҳида ҳолларда унда кўзда тutilган ҳуқуқлардан бирон-бир чекловлар ёки истиснолар белгилайдилар.

11-модда

Техник чораларга нисбатан мажбуриятлар

Муаллифлар томонидан рухсат берилмаган ёки қонунда тақиқланган асарларга нисбатан ҳаракатларини чеклайдиган ва муаллифлар ушбу Шартнома ёки Берн конвенцияси бўйича ҳуқуқларини амалга оширишда фойдаланадиган мавжуд техник

воситаларни четлаб ўтишдан самарали ҳуқуқий муҳофаза қилиш воситаларини ва тегишли ҳуқуқий муҳофазани Аҳдлашувчи томонлар кўзда тутди.

12-модда

Ҳуқуқларни бошқариш тўғрисидаги маълумотларга нисбатан мажбуриятлар

(1) Аҳдлашувчи томонлар қуйидаги ҳар қандай ҳаракатларни қасддан амалга оширадиган, фуқаролик-ҳуқуқий муҳофаза воситалар қўлланишини билиб ёки, шу муносабат билан, бундай ҳаракатлар ушбу Шартномада ёки Берн конвенциясида кўзда тутилган ҳар қандай ҳуқуқ бузилишини яширувчи, қўллаб-қувватловчи, имкон берувчи ёки ундовчи бундай ҳаракат тўғрисида билишга етарли асосларга эга бўлган ҳар қандай шахсга нисбатан ҳуқуқий муҳофазанинг тегишли ва самарали воситаларини кўзда тутди:

(i) рухсатсиз ҳуқуқларни бошқариш тўғрисидаги ҳар қандай электрон маълумотни йўқ қилиш ёки ўзгартириш;

(ii) ҳуқуқларни бошқариш тўғрисидаги электрон маълумот рухсатсиз йўқ қилинганлиги ёки ўзгартирилганлигини била туриб, асарлар ёки асарларнинг нусхаларини рухсатсиз оммага билдириш учун хабар қилиш, эфирга узатиш, тарқатиш ёки тарқатиш мақсадларида импорт қилиш

(2) Ушбу Модда мазмунида “Ҳуқуқларни бошқариш тўғрисидаги маълумотлар” асар, асар муаллифи, асарга бирон-бир ҳуқуқ эгасини, ёки асардан фойдаланиш шартлари тўғрисидаги маълумотларни ва ушбу маълумотлар тақдим қилинган ҳар қандай рақамлар ёки кодларни, бундай элементларнинг ҳар қандай асар нусхасига илова қилинганида ёки асарни оммага билдириш учун хабар қилиш муносабати билан пайдо бўлишида, идентификация қилувчи маълумотларни англатади.

13-модда

Вақт бўйича қўллаш

Аҳдлашувчи Томонлар Берн конвенциясининг 18-модда қоидаларини ушбу шартномада кўзда тутилган барча муҳофаза турларига нисбатан қўллайдилар.

14-модда

Ҳуқуқларни таъминлаш бўйича қоидалар

(1) Аҳдлашувчи Томонлар ўз ҳуқуқий тизимларига мувофиқ ушбу Шартнома қўлланишини таъминлаш учун зарур чораларни қабул қилиш мажбурияти олади.

(2) Аҳдлашувчи томонлар ушбу Шартномада кўзда тутилган ҳуқуқларнинг ҳар қандай бузилишига қарши самарали ҳаракатларни амалга ошириш имконини берувчи ҳуқуқларни таъминлаш бўйича чоралар ўз қонунларида кўзда тутилишини таъминлайдилар, шу ҳисобда, бузилишларнинг олдини олиш бўйича тезкор чоралар ва кейинчалик бузилишлардан тўхтатиб турувчи воситалар ҳисобланадиган чоралар.

15-модда

Ассамблея

(1) (a) Аҳдлашувчи томонлар Ассамблеяни тасдиқлайдилар.

(b) Ҳар бир Аҳдлашувчи Томонни битта делегат вакиллик қилади, у ўринбосарларга, маслаҳатчиларга ва экспертларга эга бўлиши мумкин.

(c) Ҳар бир делегация ҳаражатларини уларни тайинлаган Аҳдлашувчи томон қоплайди. Ассамблея Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг белгиланган амалиётига мувофиқ ривожланаётган давлатлар сифатида кўриб чиқиладиган Аҳдлашувчи Томонлар ёки бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги давлатлар делегацияларининг иштирокини қўллаб-қувватлаш учун Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотини (матнда кейинчалик БИМТ деб юритилади) молиявий ёрдам кўрсатиши тўғрисида сўраши мумкин.

(2) (a) Ассамблея ушбу Шартномани сақлаб қолиш, ривожлантириш, қўллаш ва ишлашига тааллуқли масалаларни кўриб чиқади.

(b) Ассамблея 17(2) модда бўйича айрим ҳукуматлараро ташкилотларнинг ушбу Шартномага иштирок этишига нисбатан унга юклатилган вазифаларни амалга оширади.

(c) Ассамблея ушбу Шартномани қайта кўриб чиқиш учун ҳар қандай дипломатик анжуманни чақиради ва БИМТ Бош директориға бундай дипломатик конференцияни тайёрлаш тўғрисида зарур кўрсатмаларни беради.

(3) (a) Давлат бўлган ҳар бир Аҳдлашувчи томон битта овозга эгадир ва фақат ўз номидан овоз беради.

(b) Ҳукуматлараро ташкилот бўлган ҳар бир Аҳдлашувчи томон ушбу ташкилотга аъзо-давлатлар ўрнига ушбу Шартноманинг томони бўлган бундай ташкилотга аъзо-давлатлар сонига тенг овоз сони билан уларнинг ўрнига овоз беришда иштирок этиши мумкин. Ҳар қандай ҳукуматлараро ташкилот овоз беришда иштирок этмайди, агар бундай ташкилотнинг исталган аъзо-давлати ўз овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланса, ва бунинг акси.

(4) Ассамблея ҳар икки йилда бир марта БИМТ Бош директори томонидан чақириладиган навбатдаги сессияга йиғилади.

(5) Ассамблея ўз процедура қоидаларини қабул қилади, шу ҳисобда навдатдан ташқари сессиялар, кворум талабларига тааллуқли, ва ушбу Шартнома қоидаларини ҳисобга олган ҳолда турли қарорларни қабул қилиш учун талаб қилинадиган кўпчиликка нисбатан.

16-модда

Халқаро бюро

БИМТ Халқаро бюроси Шартномага алоқадор маъмурий вазифаларни бажаради.

17-модда

Шартномада қатнашиш ҳуқуқи

(1) БИМТга аъзо бўлган ҳар қандай аъзо-давлат Шартнома иштирокчиси бўлиши мумкин.

(2) Ассамблея ҳар қандай ҳукуматлараро ташкилотни ушбу Шартномада иштирок этиш учун киритиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиши мумкин. Бундай ҳукумлараро ташкилот ваколатга ва ўзининг, ушбу Шартномага алоқадор масалалар бўйича бундай ташкилотнинг барча иштирокчилари учун мажбурий бўлган меъёрий базага эга бўлиши, ва ўз ички процедураларига мувофиқ ушбу Шартномага иштирок этишга ваколатланган бўлиши керак.

(3) Европа Иттифоқи ушбу Шартномани қабул қилган Дипломатик конференцияда юқоридаги банддаги баёнот амалга ошириб ушбу Шартнома иштирокчиси бўлиши мумкин.

18-модда

Шартнома бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятлар

Агар ушбу Шартномада бошқа ҳолатлар тўғрисида махсус қоидалар бўлмаса ҳар бир Аҳдлашувчи Томон барча ҳуқуқларда фойдаланади ва ушбу Шартнома бўйича барча мажбуриятларни ўз бўйнига олади.

19-модда

Шартномани имзолаш

Ушбу Шартнома БИМТга аъзо-давлатлар ва Европа ҳамжамияти учун имзолаш учун 1997 йил 31 декабргача очик.

20-модда

Шартноманинг кучга кириши

Мазкур Шартнома 30 давлат томонидан БИМТ Бош директориға сақлаш учун ратификация ёки қўшилиш тўғрисида ҳужжатлар топширилгандан сўнг уч ойдан кейин кучга кирилади.

21-модда

Шартномада иштирок этиш бошланиши санаси

Қуйидагилар учун мазкур Шартнома мажбурийдир:

- (i) ушбу Шартнома кучга киргандан кейин 20-моддада кўрсатилган 30 давлат учун;
- (ii) ўз ҳужжатини БИМТ Бош директориға сақлаш учун топширган санадан уч ойдан кейин ҳар қандай бошқа давлат учун;
- (iii) Европа ҳамжамияти учун ратификация ёки қўшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилган санадан уч ойдан кейин, агар бундай ҳужжат ушбу Шартнома 20-моддага мувофиқ кучга киргандан кейин топширилган бўлса, ёки ушбу Шартнома кучга киргандан уч ойдан кейин, агар бундай ҳужжат ушбу Шартнома кучга киришдан олдин сақлаш учун топширилган бўлса;
- (iv) ушбу Шартномада иштирок этиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа ҳукуматлараро ташкилот учун қўшилиш тўғрисида ҳужжат сақлаш учун топширилгандан сўнг уч ойдан кейин.

22-модда

Шартномаға қўшимча шартларнинг йўл қўйилмаслиги

Ушбу Шартномаға ҳеч қандай қўшимча шартлар йўл қўйилмайди.

23-модда

Шартномани денонсация қилиш

Ҳар қандай Аҳдлашувчи томон ушб Шартномани БИМТ Бош директориға йўлланган билдиришнома орқали денонсация қилиши мумкин. Ҳар қандай денонсация БИМТ Бош директори билдиришномани олган санадан бир йил ўтгандан сўнг кучга киради.

24-модда

Шартнома тиллари

(1) Ушбу Шартнома 1 нусхада рус, инглиз, араб, испан, хитой ва француз тилларида имзоланади, ушбу тиллардаги барча матнлар аслиға тўғридир.

(2) (1) бандда кўрсатилган тиллардан бошқа тиллардаги расмий матн манфаатдор томоннинг илтимосига биноан ва барча манфаатдор шахслар билан маслаҳатлардан сўнг БИМТ Бош директори томонидан тасдиқланади. Ушбу банд мақсадлари учун “манфаатдор томон” деб расмий тили ёки расмий тилларидан бири илтимос предмети бўлган БИМТға аъзо ҳар қандай давлат, ҳамда Европа ҳамжамияти ва ҳар қандай бошқа ҳукуматлараро ташкилот тушунилади, агар илтимос предмети сифатида унинг расмий тилларидан бири бўлса.

25-модда

Депозитарий

БИМТ Бош директори ушбу Шартнома депозитарийсидир.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ БЎЙИЧА БУТУНЖАХОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ТАШКИЛОТИНИНГ ШАРТНОМАСИ НИСБАТАН КЕЛИШИЛГАН БАЁНОТЛАР

1(4)-моддага нисбатан

Такрорлашга ҳуқуқ, Берн конвенциясининг 9-моддасида белгилаб қўйилганидек, ва ушбу моддага мувофиқ истиснолар тўлалигича рақамли муҳитда қўлланилади ва, хусусан, рақамли шаклда асарлардан фойдаланишга нисбатан. Электрон воситада рақамли шаклда муҳофазаланган асарларни сақлаш Берн конвенциясининг 9-моддасидаги такрорлаш деб тушунилади.

3-моддага нисбатан

Ушбу шартноманинг 3-моддасини қўллашда Берн конвенциясининг 2-6 моддаларидаги “Иттифок давлати” ибораси ушбу Шартномага мувофиқ тақдим этилаётган муҳофазага нисбатан Берн моддалари қўлланилишида ушбу Шартноманинг Аҳдлашувчи Томони деб изоҳланади. Шунингдек, Берн конвенциясининг ушбу моддаларида “Иттифокга кирмайдиган давлат” ибораси ушбу Шартноманинг Аҳдлашувчи томони бўлмаган давлат деб изоҳланади, ва Берн конвенциясининг 2(8), 2 *bis* (2), 3, 4 ва 5 моддаларидаги “ушбу Конвенция” ибораси бу Берн конвенцияси ва ушбу Шартнома сифатида изоҳланади. Ва ниҳоят, Берн конвенцияси 3-6 моддаларида “Иттифок давлатидан бирининг фуқароси”га кўрсатилиши ушбу моддаларнинг мазкур Шартномада қўлланилишида ушбу Шартноманинг Аҳдлашувчи Томони бўлган ҳукуматлараро ташкилотга нисбатан ушбу ташкилотга аъзо-давлатлардан бирининг фуқароси деб тушунилади.

4-моддага нисбатан

Ушбу Шартноманинг 4-моддаси бўйича компьютер дастурларининг муҳофазаси ҳажми 2-модда билан биргаликда ўқилганида Берн конвенциясининг 2-моддасига мувофиқ бўлиб, ТРИПС Келишуви қоидаларига ҳам тўғридан тўғри мос келади.

5-моддага нисбатан

Ушбу Шартноманинг 5-моддаси бўйича компиляция маълумотлари (маълумотлар базалари) муҳофазаси ҳажми 2-модда билан биргаликда ўқилганида Берн конвенциясининг 2-моддасига мувофиқ бўлиб, ТРИПС Келишуви қоидаларига ҳам тўғридан тўғри мос келади.

6 ва 7-моддага нисбатан

“Нусхалар” ва “асл нусха” иборалари ушбу моддалар маъносида ва кўрсатилган моддалар бўйича тарқатишга ҳуқуқ ва ижрага ҳуқуқ предмети бўлиб моддий предметлар кўринишида муомалага чиқарилиши мумкин бўлган фақат ёзиб олинган нусхаларга тааллуқлидир.

7-моддага нисбатан

7(1) модда бўйича мажбурият Аҳдлашувчи Томоннинг қонунчилиги бўйича фонограммаларга нисбатан ҳуқуқлар муаллифларга берилмаганлигида Аҳдлашувчи Томон тижорат мақсадларида ижарага бериш мутлақ ҳуқуқи муаллифга тегишли бўлиши талаб қилинмаслиги тушунилади. Бу мажбурият ТРИПС Келишувининг 14(4) моддасига мувофиқлиги тушунилади.

8-моддага нисбатан

Хабар қилиш ёки хабарни амалга ошириш имконини берувчи жисмоний воситаларни оддий тақдим этиш ўз ўзидан ушбу Шартнома ёки Берн конвенцияси

маъносидаги хабар эмаслиги тушунилади. Кейнчалик шу ҳам тушуниладики, 8-моддадаги ҳеч бир нарсa Аҳдлашувчи Томонга 11 *bis*(2) моддани қўллашга тўсқинлик бўлмайди.

10-моддага нисбатан

10-модда қоидалари Аҳдлашувчи Томонларга ўз миллий қонунларидаги Берн конвенциясига мақбул ҳисобланган чекловлар ва истисноларни рақамли муҳитга ўтказиш ва тегишлича тарқатиш имконини беради. Ҳудди шундай тарзда ушбу қоидалар Аҳдлашувчи Томонларга рақамли компьютер тармоқлари муҳитида яроқли янги истиснолар ва чекловларни аниқлаштириш имконини берувчи деб тушунилади.

10(2)-модда Берн конвенцияси йўл қўйган чекловлар ва истисноларни қўллаш соҳасини чекламаслиги ва кенгайтирмаслиги тушунилади.

12-моддага нисбатан

“Ушбу Шартнома ёки Берн конвенциясида кўзда тутилган ҳар қанлай ҳуқуқни бузиш”нинг кўрсатилиши мутлақ ҳуқуқларни ҳам, мукофотга ҳуқуқларни ҳам қамраб олиши тушунилади.

Яна шу ҳам тушуниладики, Аҳдлашувчи Томонлар ҳуқуқларни бошқариш тизимини аниқлаш ёки қўллашда ушбу Моддага асосланмайдилар, бунинг натижасида Берн конвенцияси ёки ушбу Шартнома бўйича йўл қўйилмайдиган товарларнинг эркин айланмасини тақиқловчи ёки ушбу Шартнома бўйича ҳуқуқлардан фойдаланишга тўсқинлик қилувчи расмийчиликлар киритилиши олиб келарди.